

**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Оқолтин тумани

2023 йил 11 октябрь

Оқолтин туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.Сангиров раислигида, судья ёрдамчиси Қ.Хусановнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар ишончли вакили ВВВ (16.09.2023 йилдаги № 01-127-сонли ишончнома асосида) иштирокида, даъвогар ХХХ масъулияти чекланган жамияти манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасининг жавобгар ХХХ фермер хўжалигидан 10 117 800 сўм жарима ва олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажати ундириш тўғрисидаги даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни, Оқолтин тумани, Сардоба шаҳарчаси, Гулистон кўчаси 4-уйда жойлашган Оқолтин туман Давлат солиқ инспекцияси маъмурий биносида очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

ХХХ масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда “даъвогар” деб юритилади) манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда “палата” деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ХХХ масъулияти чекланган жамиятидан (кейинги матнларда “жавобгар” деб юритилади) 10 117 800 сўм жарима ва олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажати ундиришни ва ишни палата вакили иштирокисиз кўришни сўраган.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган палата ва жавобгар суд мажлисига келмади ва вакили иштирокини таъминламади.

Бу ҳолда суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда “ИПК” деб юритилади) 128, 170-моддасига асосан, ишни унда мавжуд материаллар асосида палата ва жавобгар вакил(лар)и иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили жавобгар томонидан шартномавий мажбурият лозим даражада бажарилмасдан шартномада белгиланган миқдордан кам пахта хом-ашёсини етказиб берганлигини, шу сабабли ҳар бир пахтанинг типи, нави ва синфидан келиб чиқиб, 2022 йил пахта ҳосили учун тавсия этилган ўртача нархдан келиб чиқиб, жарима ундириш борасида ҳисоб китоб қилинганлигини, бундан ташқари 2022 йил пахта хом-ашёсини харид нархида низо келиб чиққанлиги сабабли бир қанча фермер хўжаликлари билан судда низолар кўриб чиқилиб, ҳар бир пахтанинг типи, нави ва синфидан келиб чиқиб, 2022 йилда белгиланган ўртача нархда жамиятдан фермер хўжаликлари фойдасига ундирувлар белгиланганлигини,

жавобгар томонидан бажарилмаган мажбурият қийматининг 30 фоизи миқдориди жарима ҳисобланганлигини маълум қилиб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд, ишда иштирок этувчи даъвогар тарафнинг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвогарнинг даъво аризасини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

ИПҚнинг 13-моддаси биринчи қисмига асосан суд ишларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 8-моддаси биринчи қисмига асосан фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонунчиликда назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг, гарчи қонунчиликда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонунчилигининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларни келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади.

ФКнинг 234-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (кейинги матнларда “ФК” деб юритилади) 465-моддасининг биринчи қисмига биноан, контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга - тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда белгиланган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Иш ҳужжатларига кўра, ХХХ унитар корхонаси ва ХХХ фермер хўжалиги ўртасида 2021 йил 01 ноябрда № 8-сонли пахта хом-ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш тўғрисида контрактация шартномаси тузилган.

Шартномага кўра, жавобгар (етказиб берувчи) даъвогар (харидор)га 2022 йил пахта ҳосилидан 70,487 тонна пахта хом-ашёсини мазкур шартномада шартлашилган муддатда топшириш, даъвогар (харидор) эса бу маҳсулотларни қабул қилиш ва улар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Шартнома тарафлар томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган ҳамда шартнома Сирдарё вилояти Оқолтин тумани қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган.

Шартнома шартларига кўра, даъвогар томонидан жавобгарга 2022 йилда пахта хом-ашёсини етиштириш учун харажатлари ва ёқилғи мойлаш маҳсулотлари берилган.

Бироқ, жавобгар шартномавий мажбуриятларини лозим даражада бажармасдан даъвогарга амалда 5-тип 1-нав 2 синфли - 66,987 тонна пахта хом-ашёсини етказиб берган ва мазкур пахта хом-ашёсининг 1 тоннаси учун 9 636 сўм сўмдан ҳисобланган. Жавобгар томонидан шартнома шартлари 3,500 тоннага кам бажарилган.

Даъвогарнинг 2023 йил 13 июндаги ҳисобланган жарима суммасини ихтиёрий равишда тўлаш юзасидан берган талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Шу сабабли даъвогар манфаатида палата томонидан жавобгарнинг кам топширган пахта хом-ашёсининг 1 тоннаси учун куйидагича ҳисоб китобга кўра - $9\ 636 * 3,500 =$ жами $33\ 726\ 000$ сўмга 30 % ҳисобида $10\ 117\ 800$ сўм жарима ундиришни сўраган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 5.2 бандида шартномада белгиланган нав, сифат ва миқдорда маҳсулот топширишдан асоссиз бош тортганлиги учун “Хўжалик” “Буюртмачи”га топширилмаган маҳсулот қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима тўлашга келишилган.

ФК 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Даъвогарнинг жавобгардан жарима ундириш талаби ишга тақдим этилган шартнома, шартнома шартлари, тасдиқланган электрон ҳисоб-варақ фактуралар, бир тарафлама тасдиқланган таққослаш далолатномаси билан ўз исботини топади.

ФКнинг 260-моддасига кўра, қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади.

ФКнинг 261-моддасига кўра, неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади, қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима ҳисобланади.

ФКнинг 263-моддасига кўра, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъий назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

ФКнинг 326-моддаси биринчи қисмига кўра, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши кераклиги ва мазкур модда иккинчи қисмига кўра, суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган.

Бу ҳақда, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги № 163-сонли қарорининг 4-бандида тушунтириш берилган.

Суд, даъвогарнинг $10\ 117\ 800$ сўм жарима ундириш талабини муҳокама қилиб, даъвогарнинг жарима ундириш талабини асосли деб топиб, жаримани тўлиқ қаноатлантириш жавобгарнинг кейинги фаолиятига салбий таъсир

кўрсатиши мумкин деб ҳисоблаб, жарима ундириш қисмини қисман қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 1 500 000 сўм жарима ундиришни, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Шу билан бирга суд, давлат божи ва почта харажати масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддаси ҳамда 2020 йил 06 январдаги № 600-сонли “Давлат божи тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунига илова қилинган давлат божи ставкалари миқдорининг 2-банди талабига мувофиқ, 330 000 сўм тийин давлат божини жавобгар зиммасига юклашни ва олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажатини жавобгардан даъвогар фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 112, 113, 118, 170, 176-180-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъвогар ХХХ масъулияти чекланган жамияти манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармасининг даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар ХХХ фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар ХХХ масъулияти чекланган жамияти фойдасига 1 500 000 сўм жарима ва олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар ХХХ фермер хўжалиги ҳисобидан Республика бюджетига 330 000 сўм тийин давлат божи ундирилсин.

Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин

Ҳал қилув қароридан норози томонлар бир ой ичида шу суд орқали Сирдарё вилояти судига апелляция тартибида шикоят қилиши мумкин.

Судья

Н.Сангиров